

## **АҲОЛИ ХОНАДОНЛАРИДА ҚҮЙЛАРНИ БОҚИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ**

*Toшкент шаҳар Сергели тумани 301-умумтаълим мактаби  
Мамадалиева Хуришида Насибжоновна*

**Аннотация.** Мақолада аҳоли хонадонларида қўйларни бўрдоқига боқишида қўйларни меъёр даражада парваришлаш ва уларни тўла қийматли озиқлантириши орқали қўйчиликда гўшт ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириши ҳамда аҳоли даромадини ошириши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Калитли сўзлар:** аҳоли хонадони, озуқа, қўй, тирик вазни, гўшт, самарадорлик, даромад, соф фойда.

**Аннотация.** В статье представлена информация о том, как увеличить объемы производства мяса овец, а также увеличить доходы населения, путем нормального содержание и полноценные кормления овец их при откорме в домашних хозяйствах.

**Ключевые слова:** домашняя хозяйства, корма, овец, живая масса, мясо, рентабельность, доход, чистый прибыль

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикаизда қўйчиликда аҳолининг гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган таъминлашда мақбул яйлов озиқлантириш шароитларини яхшилаш орқали мавжуд гўшт-ёғ маҳсулдорлик йўналишидаги думбали қўйларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик хусусиятларини биотехнологик усулларда яхшилаш, интенсив инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида бир қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги” ПФ 60-сонли Фармонда «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали дехқон ва фермерлар даромадини камида





2 баровар ошириш қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш шунингдек, чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5-2 баровар кўпайтириш»га йўналтирилган илмий–тадқиқот ишларини кучайтириш, селекция-наслчилик ишларини яхшилаш, зотларнинг насл, маҳсулдорлик пуштдорлик хусусиятларини такомиллаштириш, уларнинг сермаҳсул линияларни, оиласаларини, тип ва зотларни яратиш вазифалари белгилаб берилган.

Чорвачилик халқимизни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрдаги “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолинининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-куватлаш бўйича чор-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-54-сон қарорининг 11-бандига асосан аҳоли хонадонларида қўй ва эчкиларни боқиб кўпайтириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар қўйчиликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим ҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Чорвачилик соҳасида қўйчилик етакчи тармоқлардан бири бўлиб ҳисобланади, Республикаизда мавжуд қўй ва эчкиларнинг 81,4 фоизи аҳоли хонадонларида урчитиб кўпайтирилмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг асосий қисми шу тармоққа тўғри келади, бу эса ушбу тармоқни янада ривожлантиришни тақозо этади. Бунинг учун аҳоли хонадонларида қўйларни меъёр даражада парваришлаш, тўла қийматли озиқлантириш ҳамда наслчилик ишларини янада яхшилаш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шахсий ёрдамчи, дехқон хўжаликларида чорва мол бош сонларини кўпайтиришни рафбатлантиришга ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга йўналтирилган бўлиб, соҳани ривожлантиришда долзарб бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот натижалари.** Тадқиқотлар 2044 йилдан Тошкент вилояти Оҳагарон тумани “Унгут” МФЙ Гулзор кўчаси 54-хонадонда ўтказилди.



Қўйларни озиқлантириш рациони ва озуқага бўлган талаби асосида парваришланди, натижада улардан олинадиган гўшт маҳсулотини янада ошириш имкониятларини кенгайтирди. Республикаизда аҳолининг хонадонларида мавжуд қўйларнинг асосий қисми аҳоли хонадонларида урчтиб қўпайтирилмоқда. Бунинг учун аҳоли ва дехқон хўжаликлари қишлоғ учун озуқа захирасига эга бўлиш керак бўлади, акс ҳолда кўпгина йўқотишларга сабабчи бўлади.

Биз хонадонда сутдан ажратилган қўчкорчаларни бўрдоқига боқиши суули, маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи ресурстежамкор озиқлантириш усулини қўлладик. Қўчкорчаларни сутдан ажратилгандан кейин бўрдоқилаш даврида ойлар бўйича озиқлантиришнинг намунавий рациони, озуқа сарфи ва сарф бўлган озуқаларнинг нархи 1-жадвалда (суммаси) келтирилади.

1 жадвал

**Бўрдоқилаш даврида қўчкорчалар учун озиқлантириш  
рациони ва озуқа сарфи ҳамда суммалари (1 бош ҳисобига, 2024  
йилги нархларда)**

Ёши, ой	Омухта ем, кг	Беда пичани , кг	Буғдой сомони , кг	Озуқа бирлиг и	Тир ик вазн и, кг
5-чи	0,3	0,5	0,5	0,65	32
6-чи	0,4	0,6	0,6	0,78	35
7-чи	0,5	0,7	0,7	0,98	40
8-чи	0,6	0,8	0,8	1,15	45
9-чи	0,7	0,9	0,9	1,30	50
10-чи	0,8	1,0	1,0	1,50	55
11-чи	0,9	1,1	1,1	1,65	60
12-чи	1,2	1,2	1,2	2,0	70



Жами1 бошга 8 ойда	<b>162</b>	<b>204</b>	<b>204</b>	<b>300</b>	<b>70</b>
<i>1 бошга озуқалар суммаси, сўм</i>	324000	408000	163000		
10 бош қўчкорчаларга сарфланган озуқалар нархи, сўм	<b>3240000</b>	<b>408000</b>	<b>163000</b>	<b>0</b>	<b>0</b>

Кўчкорчаларни бўрдоқилашда асосан, сутдан ажратилгандан кейин 5-ойидан бошлаб бўрдоқига боқиш, бунинг учун уларни 4-5 бошдан алоҳида катакларда асраб озиқлантирилди. Кўзиларни 5-чи ойлик ёшидан то 11-ойлигигача рационига ҳар ойда 0,1 кгдан омухта ем озуқалар қўшиб бориш юқори самарадорликни таъминлайди.

Биз хонадон шароитида 10 бош қўй боқишининг иқтисодий самарадорлигини ўргандик ва таҳлил қилдик, унинг натижалари 2-жадвалда келтирилади.

#### 2 жадвал

Аҳоли хонадонларида 10 бош қўй боқишининг иқтисодий самарадорлиги

(2024 йилги нархларда)

Кўрсаткичлар	Бўрдоқилаш даври (120 кун)
10 бош қўйни бўрдоқилашга кетган озуқа харажатлар, сўм	8 950 000
Бошқа (дори-дармон ва бошқа) харажатлар	200 000
Жами харажат	9 050 000
10 бош қўйдан олинган қўшимча вазн, кг	380



Жами даромад, сўм	17 100 000
Соф фойда, сўм	8 050 000
Самарадорлик даражаси, %	89,0

Жадвал маълумотларидан кўринишича, 10 бош қўчкорчаларни бўрдоқилаш даврида жами 9050000 сўмлик харажат сарфланди, бу давр мобайнида қўшимча вазн ҳисобига олинган даромад 17100000 сўмни ташкил этди ва соф фойда 8050000 сўмга ва иқтисодий самарадорлик эса 89,0% га тенг бўлди.

**Хуносা.** Аҳоли даромадини ошириш учун, хонадон шароитида қўйларни юқори сақлаш ва тўла қийматли озиқалар билан озиқлантириш шароитларида бўрдоқига боқиши орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришилди ва аҳоли даромади ошди. Ушбу натижалар, аҳолини иш билан бандлигини ҳамда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрдаги “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолинининг тадбиркорлик ташабbusларини молиявий қўллабкуватлаш бўйича чор-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-54-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги”<sup>1</sup> ПФ 60-сонли Фармони.

3. Рўзибоев Н.Р. Қўйчилик. Қўлланма. “Тасвир” нашриёт уйи Тошкент-2021. 37-41 бет.



**Ilim fan taraqqiyotida raqamli iqtisodiyot va  
zamonaviy ta'limning o'rni hamda rivojlanish omillari**

4. Рўзибоев Н.Р., Ахмеджанова А.К. Аҳоли хонадонларида чорва молларини озиқлантириш, парваришлаш ва уларни ургулантириш ҳамда турли касалликлардан ҳимоялаш бўйича тавсиялар. Тошкент-2022, 19-24 б.
5. Рўзибоев Н.Р. Кўй ва эчкиларни боқиб кўпайтириш бўйича технологик тавсия. Тошкент-2025. 2-6 б.

